


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 21 май, № 101 (6284) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ВА ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

## саноатимиз ривожига хизмат қилаяпти



*Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш корхоналари тармоқ саноат ярмаркаси ҳамда кооперация биржаси иш бошлади. Мазкур тадбир IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.*

Унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган ушбу иқтисодий форум саноатимиз ривожида кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Сабаби, унинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу нафақат ички ва тармоқлараро кооперация алоқаларини ривожлантириш, балки ташқи иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, саноатга хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Хусусан, ҳар йили кўплаб қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилиб, ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилаётган бўлса, экспортда янги маҳсулотлар тури ва ҳажми ошиб бораяпти. 2015 йилнинг биринчи чорагида машинасозлик ҳамда электротехника саноатида эришилган ютуқлар бунга яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, жорий йилнинг дастлабки уч ойида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 504 та лойиҳа бўйича 430 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларнинг асосий қисми саноатимизнинг мазкур тармоқлари ҳиссасига тўғри келгани эътиборга лойиқ. Жумладан, экскаватор эҳтиёт қисмлари, “Дамас” автомобилининг бутловчи буюмлари, компрессор агрегатлари эҳтиёт қисм ва узеллари, мотор мойлари, гидравлика суюқликлари, шахта вагончалари, янги турдаги маиший музлаткич ҳамда совутқичлар, электр печлар, маиший ёритқичлар, энергия тежайдиган диодли чироқлар, маиший техника учун бутловчи буюмлар етказиб берила бошланди.

Ярмарка саноат корхоналарининг шу каби янги маҳсулотларини кенгроқ намойиш қилиш баробарида, келгуси йил учун буюртмалар портфелини шакллантиришда халқаро бозорнинг ўзига хос механизмига ҳам айланди. Шунинг учун унда иштирок этувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Мисол учун, ўтган йили 135 та корхона 1000 дан ортиқ, шу жумладан, Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқариш ўзлаштирилган 80 турдаги янги маҳсулоти билан қатнашган эди. Якунда ички бозорга умумий қиймати 150,6 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш, 3 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиётини бажариш бўйича шартномалар имзоланди.

(Давоми 2-бетда).

## ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

Президентимизнинг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ишбилармонларга катта қулайликлар яратмоқда.

# ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИ УЧУН БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР

*Бугунги кунда юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида гап кетганда, аввало, уларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар, имтиёзу имкониятларга алоҳида урғу берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, соҳа вакилларининг ишончли ва барқарор фаолият юритишида ушбу омиллар муҳим аҳамиятга эга. Буни ишбилармонларимизнинг қуйидаги дил сўзларидан ҳам яққол англаш мумкин.*



**Толиб ТОҲИРОВ, Қарши шаҳридаги “Asl tabiiy sut” хусусий корхонаси раҳбари:**

— Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, яъни мулкдорлар муҳофазасини таъминлашга қаратилган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди. Юртбошимизнинг янги Фармони эса яратувчанликка бел боғлаган, Ватан равнақига ҳисса қўшиш мақсадида елиб-югуриб меҳнат қилаётган ишбилармонларнинг янада эмин-эркин фаолият юритиши учун беқиёс имкониятлар эшигини очиб беради, десак, муболаға бўлмайди. Мисол учун, унда тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш белгилаб қўйилди. Шунингдек, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилаяпти.

Бошқача айтганда, Президентимиз томонидан тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатиши, янгилик яратиши, ўз сармояларини қўрқмасдан ишлаб чиқаришга йўналтириши йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланди. Бу — ишбилармонлар учун ҳақиқий ғамхўрлик намунаси эмасми?!

Биз бундай эътибор ва яратилаётган шароитлардан руҳланган ҳолда, хорижнинг замонавий технологиялари ёрдамида бир кеча-кундузда 400 литрдан ортиқ сутни қайта ишлаб, харидорларга етказиб бераяпмиз. Келгусида эса янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва ташқи бозорга чиқишдек эзгу мақсадларимиз бор. Ишонамизки, бу ниятимиз ҳам, албатта, амалга ошади.

**Йўлдош ЭРНАЗАРОВ, Янгибозор туманидаги “Элинза” ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари:**

— Аввало, шуни қайд этишни истардимки, Президентимизнинг Фармонида рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартибларини янада соддалаштириш, фаолиятимизга оид барча текширувларни режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир марта ўтказиш каби қатор устувор вазифалар белгилаб қўйилдики, бу, ўз навбатида, иқтисодиётимизда хусусий мулкнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ҳамда чекловларни бартараф этиш, қисқача айтганда, имкониятларимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).



## ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Мустақил Ўзбекистон: юксалиш босқичлари” номли мультимедияли дастурнинг тақдимотига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

# «Мустақил Ўзбекистон: юксалиш босқичлари»

Ушбу тадбир Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб Республика Маънавият тарғибот маркази, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А. Абдувоҳидов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Қ. Қуронбоев ва бошқалар истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизни жадал тараққий эттиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида барча соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилаяпти. Эришаётган, дунё ҳамжамияти алоҳида эътироф этаётган беқиёс ютуқ ва марраларимиз мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Берлинда тақдим этилди

*Германия пойтахтида Берлин шаҳар маъмурияти, “UniCredit” банки, Немис иқтисодиёти Шарқий қўмитаси, METRO Group концерни ва Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Шарқий форум” тадбири доирасида мамлакатимиз иқтисодий ва сармоявий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

## БИЗ ВА ЖАҲОН

Унда Германиянинг сиёсий, иқтисодий, ишбилармон доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Иштирокчилар тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг замонавий иқтисодий тараққиёти, саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, сармоявий иқлимни янада такомиллаштиришнинг, шунингдек, мамлакатда ижтимоий ва инфратузилмавий ривожланишга йўналтирилган давлат дастурларининг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишишди.

Шу билан бирга, тадбирда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналарида хорижлик сармоядорлар учун яратилган имтиёз ҳамда қулайликлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ГФР ишбилармон доиралари вакиллари эътиборига ҳавола қилинди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ўсиб бораётгани хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, республикада рўй бераётган ўзгаришларга, яратилган қулай сармоявий муҳит ҳамда муваффақиятли сармоявий фаолият учун мавжуд бўлган кенг имкониятларга юқори баҳо бердилар.

(Давоми 2-бетда).

# Тинчликни асраш — энг улуғ мақсад

Давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган маросимда билдирган фикрлари катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университетида “Ўтганларни хотирлаш, кексаларни эъзозлаш — бизнинг фарзандлик бурчимиздир” мавзуида ўтказилган тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди. Тадбир Президентимизнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни Хотира майдонида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан қилган суҳбати намойишидан бошланди.

## ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Юртбошимиз журналистлар билан мулоқотда истиқлол даврида туғилиб вояга етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб колган ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ куни учун бутун борлиғини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айланганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши таълим тизимида туб бурилишларга сабаб бўлди. Умуман, ёшларга оид давлат сиёсати ўсиб келаётган ўғил-қизларимизнинг аждодларимизга муносиб авлод бўлиши, ҳеч кимдан кам бўлмай камол топиши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Мамлакатимизда 2015 йилнинг биринчи чорагида экспорт ҳажми

**13,9**

фоиз ўсди.

Ташқи бозорда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кўпайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш ҳамда экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши туфайли, жаҳон бозорида беқарорлик кучайиб бораётганига қарамасдан, ана шундай ижобий кўрсаткичга эришилди.

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ВА ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

## саноатимиз ривожига хизмат қилаяпти



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*Жорий йилнинг дастлабки уч ойида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 504 та лойиҳа бўйича*

**430 дан ортиқ**

*янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

Ташкилотчиларнинг айтишича, бу йилги тармоқ саноат форумида бундан-да юқори кўрсаткичларга эришилиши кутилаяпти. Нега деганда, иштирокчи корхоналар сони ҳам, улар томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар тури ҳам ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайган.

Чиндан ҳам таклиф этилаётган маҳсулотлар билан танишар экансиз, республикамизда машинасозлик саноати жадал суръатларда ривожланаётганига яна бир карра амин бўласиз. Чунки бу ерда истиқлол йилларида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган замонавий автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналари, юк машиналари ҳамда мотоцикллар, улар учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар намойиш қилинмоқда.

Ярмаркада "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси тизимидаги 32 та корхона 323 турдаги маҳсулоти билан иштирок этаётган бўлса, шундан 40 тури янги эҳтиёт қисм ва бутловчи буюмлардир.

— "Автокомпонент" акциядорлик жамияти 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, у юртимизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар учун бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган, — дейди мазкур корхонанинг бўлим бошлиғи Нурбек Абдувалиев. — Айни пайтда овоз сўндириш тизимлари, қалинлиги 1 миллиметрдан 2,3 миллиметргача бўлган доирасимон, тўртбурчак ва тўғри бурчакли махсус қувурлар тайёрланаяпти. Жорий йилдан бошлаб эса Самарқандда ишлаб чиқарилаётган автобуслар учун овоз сўндириш тизимларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш устида иш олиб бораяпмиз. Бу ҳамкорларимиз сафи янада кўпайишига хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, "Автокомпонент" корхонаси ярмарка туфайли янги ҳамкорлар топиш, фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга муваффақ бўлмоқда. Айниқса, унинг "UzDongWonCo." акциядорлик жамияти билан кооперация алоқаси йил сайин мустаҳкамланмоқда. Айтайлик, ўтган йили ушбу хўжалик юритувчи субъектга 6,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланган эди. Бу йил ушбу кўрсаткични 7,3 миллиард сўмликка етказиш мўлжалланмоқда.

Бундай тенг манфаатли келишувларга электротехника саноати ҳамда маҳсулотларни стандартлаштириш корхоналари ҳам эришмоқда. Сабаби, бу ерда таклиф қилинаётган маҳсулотлар икки томонлама шартномалар асосида, қўшимча тендер савдоларисиз амалга оширилади. Бу эса етказиб берувчига ҳам, сотиб олувчига ҳам манфаатлидир.

— Жорий йилги тадбирда "Artel" савдо белгиси остида маиший техникалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 10 дан ортиқ корхоналар томонидан 30 хил маҳсулот намойиш этилаяпти, — дейди мазкур компания вакили Дилшод Рўзметов. — Бундан ташқари, Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилган газ плиталарининг такомиллаштирилган русумлари, кир ювиш машиналари, телевизорлар, кондиционер сингари жами 15 турдаги замонавий маиший техникаларни ҳам олиб келдик. Уларга бўлган қизиқиш ниҳоятда катта. Шу боис ярмарка давомида умумий қиймати 10 миллиард сўмлик шартномалар имзолашни мўлжаллаяпмиз.




Шомурот ШАРАПОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иштирокчиларига уч кун давомида машинасозлик ҳамда электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш корхоналари қўлга киритаётган ютуқлар, соҳадаги янгиликлар билан яқиндан танишиш, кооперация алоқаларига киришиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов сўзга чиқди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИ УЧУН БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зотан, Юртбошимиз ҳар бир мажлис ва учрашувда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, бу соҳа мамлакат тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини бот-бот таъкидлашини эътиборга олсак, ушбу йўналишда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсатнинг асосий мақсади, туб мазмун-моҳияти янги Фармонда тўлиқ акс этгани ёрқин аён бўлади.

Бизнинг корхонамиз тиббиёт ва ўқув мебеллари, спорт жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. 40 нафар киши меҳнат қилади. Улар томонидан буюртмачиларга 190 турдаги маҳсулот тайёрлаб берилаяпти. Шунга яраша даромад ҳам олаяпмиз.

Президентимиз Фармонида белгиланган янги имтиёзлар, шарт-шароитлар эл-юртга наф келтиришдек эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди.

**Абдурасул РИСБОЕВ, Бекобод туманидаги "Найман инвест" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Тадбиркор сифатида фаолиятимизни бошлаганимизга 10 йилдан ошди. Яширишнинг ҳожати йўқ, дастлаб ишни ташкил этишда, кейинчалик ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтиришда айрим сунъий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга тўғри келди.

"Ҳолва деган билан оғиз чучимайди", дейди халқимиз. Айтайлик, сифатли маҳсулот тайёрлаш ва уни харидорга манзур қилиш учун замонавий технология, зарур хом ашё, ишончли шерик ва албатта, етарли миқдорда сармоя керак. Қолаверса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири ҳамон сезилиб турган ҳозирги шароитда, айниқса, рақобат кун сайин кучайиб бораётган бир пайтда тадбиркорликни юритиш осон иш эмас. Устига-устак, асоссиз "текшир-текшир"лар мулкдорларнинг руҳини сўндириб қўйиши ҳам ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони янгидан-янги имкониятлар эшигини очиши баробарида, ана шундай салбий ҳолатларга батамом барҳам бериши билан аҳамиятлидир. Уни қайта-қайта синчиклаб ўқиш мобайнида, масалан, мен бир тадбиркор сифатида ўзимни ўйлантириб келаётган кўпгина муаммоларга ечим топдим. Ва очиғи, тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган, ғамхўр ва фидойи Президентимиз борлигидан янада фахрланиб кетдим.

Корхонамизда, асосан, хуштаъм мева шарбатлари ва маринадланган консервалар тайёрланади. Талаб ҳамда таклифдан келиб чиқиб, ўтган йилдан эътиборан мевалардан шифобахш қоқилар тайёрлашни ҳам ўзлаштирдик. Коллежнинг ўн икки нафар битирувчисини ишга олганмиз. Бултур маҳсулот сотишдан 498 миллион сўм фойда кўрдик. Аммо бу бизни қаноатлантирадиган натижа эмас.

Негаки, ҳақиқий тадбиркорман, деган одам хориждан маҳсулот келтириб сотишни эмас, ўзимизникини чет эл бозорига олиб чиқиш пайидан бўлади. Шу маънода, бизнинг бирдан-бир мақсадимиз — бу йил экспортни йўлга қўйиш. Юртбошимиз ишбилармонларга катта ишонч билдириб, беқиёс имтиёз ва қулайликлар яратиб бераётган экан, биз ҳам иқтисодиётимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида янада ғайрат-шижоат билан ишлашимиз шарт.

АНЖУМАН

*Фарзандларимизни, жумладан, қизларни миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром, ғурур ва ифтихор туйғуси билан вояга етказиш, уларнинг оила ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, бошқача айтганда, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, ўзининг ҳаётий позицияси, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ватанпарвар ёшларни тарбиялаш долзарб вазифалардан бирин.*

# Баркамол авлод – юрт қудрати

Бу, албатта, давлат органлари билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам йигит-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, онгу шуурини миллий менталитетимизга зид ғояларнинг хавфли таъсиридан ишончли ҳимоялаш, қизларнинг оила олдидаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, тегишли вазирлик, идора, жамоат ташкилотлари масъуллари, ҳудудий хотин-қизлар қўмиталари раислари ва фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, театр жамоалари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда юртимизда мусиқа, маданият, амалий ва тасвирий санъат каби йўналишлар ривожига катта эътибор қаратилаётгани натижасида соҳада салмоқли ютуқларга эришилаётгани таъкидланди. Айниқса, ёш ижрочилар, хонандалар ўртасида нафақат мусиқа матни ва ижросига, шу билан бирга, саҳна маданияти, кийиниш одоби, санъаткор маънавиятига оид тушунтириш ҳамда тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Сўзга чиққанлар уларнинг ёшларга ва хотин-қизларга ибрат вазифасини ўташдаги ўрнига тўхталиб, айрим хонандаларнинг ижроси, танлаган мусиқаси талаб даражасида эмаслиги, кийинишда одоб-ахлоқ қоидаларига тўла амал қилмаётгани, соҳанинг ахлоқ қоидаларидан бехабарлиги ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётганини қайд этишди.

— Ёш авлод тарбияси ҳар биримиздан ўта масъулиятли бўлишни талаб қилади, — дейди Нурота тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Файзиева. — Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида уларга тўғри йўл кўрсатиш, турли ёт ғоялар таъсиридан асраш жуда муҳим. Турли йўллар билан кириб келаётган, миллий мафкурамиз, менталитетимизга зид ғоя ва қарашлар бу борада ҳамиша огоҳ бўлишни тақозо этади. Ўз фаолиятимиз мисолида айтсак, туманимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Қизларни "Ораста қизлар" тўгаракларига жалб этиш, касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш самарали йўлга қўйилган. Айни чоғда мазкур тўгаракларнинг икки мингдан зиёд аъзолари "Тенгдош — тенгдошга" тамойили асосида қизларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига ёрдам бермоқда.

Тадбирда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар ва бошқа маросимларни ихчам ўтказиш, бу борада йўл қўйилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти Берлинда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, унинг иқтисодий ва сармоявий, шунингдек, маданий ва сайёҳлик имкониятлари бугунги тадбир давомида муносиб даражада тақдим этилди, — деди **"Delloitte & Touche GmbH" аудиторлик-маслаҳат компанияси директори Томас Курт** "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида. — Мамлакатнинг катта иқтисодий ва сармоявий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, қатор немис фирмалари ҳамда компаниялари Германия — Ўзбекистон ишбилармонлик кенгаши доирасида ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қизиқиш билдирмоқда.

Бизнинг компаниямиз 1845 йили ташкил топган. У бугунги кунда халқаро миқёсда эътироф этилган етакчи аудиторлик компанияларидан бири саналади. Шу муносабат билан биз ўзимизнинг кўп йиллик тажрибамизни баҳам кўришимиз ва манфаатдор бўлган ўзбек компаниялари билан муайян лойиҳаларни амалга оширишимиз мумкин.

— Мен юртингиз ҳақида кўп эшитганман, — дейди **"Com4europe" консалтинг компанияси ижрочи директори Корнелиа Лангер**. — Шу боис бугун Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлари, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотди. Мамлакатларимиз икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун катта салоҳиятга эга. Хусусан, Германия замонавий технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбалари, логистика ва бошқа йўналишларда Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдордир.



Бу ерда Ўзбекистон вакиллари билан атроф-муҳит муҳофазаси ва муқобил энергия соҳаларидаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдик. Янада самарали ҳамкорликка доир музокараларимиз бардавом бўлишидан умидвормиз.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

СЕМИНАР

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида "Microsoft" корпорацияси билан ҳамкорликда бошқарув соҳасида инновацион ечимларни татбиқ этишни ривожлантиришга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.*

# Интерактив хизматлар афзаллиги

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда бошқа соҳалар қаторида ахборот-коммуникация тармоғи ҳам жадал тараққий этмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни такомиллаштиришда дастуриламал бўлаётир. Жорий йилнинг биринчи чорагида юртимиз миллий ахборот-коммуникация тизимида тақдим этилган юқори технологияли хизматларнинг ўсиш суръати 24,7 фоизни ташкил этгани, халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланишнинг умумий тезлиги сониясига 19 Мбитдан ошгани, интернетдан фойдаланувчилар сони эса 10,2 миллион кишига етгани ана шундан далолат беради.

Бундан ташқари, аҳоли ва тадбиркорларга 235 турда интерактив хизмат кўрсатилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси юртимизда мазкур йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, шу жумладан, бошқарув соҳасида инновацион лойиҳаларнинг изчил татбиқ этилаётгани самараси, албатта.

Тадбирда, шунингдек, давлат активларини бошқаришда дастурий ишланмалардан самарали фойдаланиш юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

# «Мустақил Ўзбекистон: юксалиш босқичлари»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ўтказилган тадқиқот асосида "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" (World Happiness Report) рейтингида Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида эса биринчи ўринда қайд этилди. Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Истиқлол йилларида турли соҳаларда амалга оширилган янгиланишларни ўрганиш, таҳлил ва тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси томонидан "Мустақил Ўзбекистон: юксалиш босқичлари" номли мультимедияли дастур тайёрланди.

Унда барча жабҳада эришган улкан ютуқ ва марраларимизнинг мазмун-моҳияти тўққиз йўналиш асосида 18 та мавзу орқали очиб берилган. Масалан, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, тараққиётнинг "ўзбек модели", суд-ҳуқуқ, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда бошқа яна кўплаб соҳалардаги ислоҳотлар матн ва видеороликлар ёрдамида акс эттирилган. Бу албатта, ҳар бир юртдошимизда катта қизиқиш уйғотиши, уларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқур ва теран англашида муҳим аҳамиятга эга.

— Мазкур мультимедияли ўқув мажмуаси, аввало, ёшлар аудиторияси, шу билан бирга, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ўқувчилар, маънавият тарғиботчилари учун мўлжалланган, — дейди Давлат бошқаруви академияси профессори Абдуллажон Бегматов. — Шундан келиб чиқиб, ҳозир ушбу видеоқўлланмани юртимизнинг барча ҳудудига етказиш ва ундан самарали фойдаланиш учун зарур ишлар амалга оширилаяпти. Ўйлаймизки, ушбу мультимедияли дастур жойларда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, анжуманлар ва давра суҳбатларида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда "Мустақил Ўзбекистон: юксалиш босқичлари" номли мультимедияли дастурнинг аҳамияти, ундаги мавзулар юзасидан маърузалар тингланди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тинчликни асраш – энг улуғ мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун ёшларимизнинг республика ва халқаро миқёсда илм-фан, санъат, спорт ҳамда бошқа кўплаб соҳаларда қўлга киритаётган улкан ютуқлари шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир юртдошимизга ифтихор бағишлаши, шубҳасиз.

Биргина Тошкент ахборот технологиялари университетининг иқтидорли талабалари томонидан яратилган қатор инновацион ишланмалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти. Масалан, Ш. Тоғаевнинг "Obida" android" мобиль иловаси, Х. Убайдуллаевнинг "e-Lug'at" электрон луғати, Ш. Бегматовнинг "Лабиринт" ва "Android автомобиль" дастурлари ҳамда И. Пармоновнинг "ТАТУ роботи" деб номланган қурилмалар шулар жумласидандир.

— Осойишталикнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Маргарита Меркулова. — Президентимиз Хотира ва Қадрлаш кунида қайд этганларидек, мамлакатимиздаги тинчлик-хотиржамликни асраш, унинг қадрига етиш ҳар бир юртдошимизнинг энг олий бурчидир. Буни ёшларимизга қайта-қайта уқтиришимиз даркор.

Тадбирда таъкидланганидек, Хотира ва Қадрлаш куни — умумхалқ байрами замирида бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимиз учун жонфидо қилган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиш, уларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳамда ҳозирги дориламон кунларимизга шукрона келтиришдек эзгу мақсад ва муддаолар мужассам. Мазкур байрамнинг жорий йилда мамлакатимизда "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида кенг нишонлангани ёши улуғ инсонларга бўлган чексиз эътибор ва ғамхўрлик, уларнинг жасоратларини шарафлашнинг ёрқин ифодаси бўлди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Италиянинг "Alitalia" авиакомпанияси 2017 йилнинг январь ойидан эътиборан "Air France-KLM" (Франция/Нидерландия) авиакомпанияси билан ҳамкорликни тўхтатмоқчи.*

## Ҳамкорликни давом эттирмоқчи эмас



Бу ҳақда "Евроньюс" телеканали хабар тарқатди. Икки йирик авиаташувчи ўртасида имзоланган шериклик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддати айнан шу даврда ниҳоясига етади. Шундан сўнг "Alitalia" мутасаддилари алоқаларни давом эттириш ниятида эмасликларини билдиришган. "Улар энди биз учун манфаатли ҳамкор саналмайди", дейилади компания баёнотида.

Айтиш жоизки, 2013 йилда "Air France-KLM" қийин аҳволда қолган "Alitalia"нинг капиталини оширишга кўмаклашишдан бош тортган эди. Қолаверса, ўз улушини 25 фоиздан 7 фоизга камайтирганди. Ўтган йили Бирлашган Араб Амирликларининг "Etihad Airways" компанияси Италия авиаташувчисининг 49 фоиз акциясини қарийб 560 миллион евро эвазига сотиб олди.

## Аҳвол уч йилдан кейин ўзгарди

*"Vodafone" алоқа операторининг (Буюк Британия) чорак якунлари бўйича олган даромади ҳажми сўнгги уч йил ичида биринчи марта ўсди.*



Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳолат Европа мобиль алоқа бозори қайта оёққа тура бошлаганидан дарак беради. Гап шундаки, кейинги йилларда "кўҳна қитъа"да истеъмол харажатлари миқдори кескин қисқаргани ва компания хизмат кўрсатадиган Ҳиндистонда рақобат кучайгани боис тушумлар сезиларли даражада камайиб кетган эди. "Vodafone" мутасаддилари жорий молиявий йил якуни бўйича аҳвол яхши томонга ўзгаришига умид қилишмоқда. Дастлабки чоракда қанча маблағ ишлаб олингани эса аниқ кўрсатилмаган.

"Vodafone" дунё бўйича 440 миллиондан ортиқ мижозга эга.

## Товон пули тўланади

*Ҳиндистонда темир йўл транспорти ҳодисаси рўй берди.*



"Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, мамлакатнинг Уттар-Прадеш штатида йўловчи поезди трактор билан тўқнашиб кетган. Оқибатда 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 33 нафар одам турли даражада тан жароҳати олди. Улардан олти нафарининг аҳволи оғир экани айтилмоқда. Штат маъмурияти қурбон бўлганлар ҳамда жабрланганлар оиласига товон пули тўланишини маълум қилди.

## Саёҳат аро йўлда қолди

*Бермуд оролларида "Norwegian Cruise Line" компаниясига тегишли саёҳат кемаси саёзликка ботиб қолди.*



У Бостонга кетаётган вақтда ана шундай муаммога дуч келган. Воқеа юз берган вақтда кемада 3737 нафар одам бор эди. Шундан 2675 нафари йўловчилардир. Айни пайтда лайнерни саёзликдан чиқариб олиш учун тегишли чоралар кўрилмоқда. Кемада эса ҳаёт одатдагидек давом этаяпти. Кўнгилочар дастурлар бекор қилинмаган.

Сув транспорти воситасининг двигатели ва электр таъминот қисмида муаммолар борлиги туфайли у вақтинча ўчириб қўйилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Самарали фаолият эътирофи

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус — 2015" республика кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди.*

«ТАШАББУС — 2015»

Маълумки, мазкур танлов юртимизда кичик бизнесни ривожлантириш, фермерлик ва ҳунармандчилик соҳасига илғор ғояларни татбиқ этиш, шунингдек, хотин-қизлар ҳамда ёшларни тадбиркорликка кенгроқ жалб қилишда муҳим аҳамият касб этаяпти. Негаки, унинг доирасида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўргазма-ярмаркаси ташкил этилаётгани, турли учрашувлар, тақдимот маросимлари ва маҳорат дарслари ўтказилаётгани бизнес фаолиятини бошлаш ниятидаги юртдошларимиз учун айни муддао бўлаётир.

Шу билан бирга, бундай амалий мулоқотлар ишбилармонлар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш, илғор тажрибаларни ўрганиш учун қулай бизнес муҳитини яратаяпти. Шу боис унга бўлган қизиқиш тобора ошиб бормоқда. Бунга танловнинг вилоят босқичи иштирокчилари томонидан уюштирилган кўргазмага келган кишилар яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Дарҳақиқат, тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар томонидан таклиф этилаётган турфа маҳсулотлар сифатининг юқорилиги, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилаётгани билан ажралиб турибди. Қайси бир қатнашчи билан суҳбатлашманг, ўз фаолиятини кенгайтириш, янги технологияларни жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, қўшимча иш жойлари яратиш ҳаракатида эканлигини айтади.

— Эчки сути табиий дармондориларга бойлиги ва инсон саломатлиги учун ғоят фойдали эканлиги билан ажралиб туради, — дейди Тошлоқ туманидаги "Ўзбегим даласи" фермер хўжалиги раҳбари Равшан Ширяев. — Шунинг учун биз Европадан наслдор эчки зотларидан олиб келиб, чорвачиликнинг мазкур тармоғини йўлга қўйдик. Ҳозирги пайтда эчки сутидан қатиқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб, вилоятимиз аҳолисига етказиб бераяпмиз. Келгусида чет элдан зарур технологияларни сотиб олиб, маҳсулот турини кўпайтирмоқчимиз.

Ушбу фермернинг янгиликка интилиши, иқтисодий кўрсаткичларининг юқорилиги танлов ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди ва у "Энг яхши фермер" йўналишида ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, Қўштепа туманидаги "Чимкент султонлар гиламлари" хусусий корхонаси раҳбари Абдубанноб Султонов "Энг яхши тадбиркор", Риштон туманилик ҳунарманд Саид Аҳмедов "Энг яхши ҳунарманд" номинацияларида биринчи ўринга лойиқ, деб топилиб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Набижон СОБИРОВ.**

ИЗЛАНИШ

*Пастдарғом туманидаги "Бека Чарос" корхонасида 40 киши меҳнат қилади. Улар томонидан тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари — катталар ва болалар учун кийим-кечаклар, кўрпа-ёстиқ жилдлари ички бозорда ўз ўрнини топиб улгурган.*

## Корхона қошида корхона

Яқинда мазкур тадбиркорлик тузилмаси мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтирди. Натижада "Гўзалкент текст" деб номланган янги тикувчилик корхонасига асос солинди.

— "Бека Чарос"да амалиёт ўтаган 11 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилдик, — дейди корхона раҳбари Гулбека Қўчқорова. — Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг молиявий кўмагидан фойдаландик. Хорижнинг энг илғор тикувчилик дастгоҳлари ёрдамида бежирим либослар тайёрлашни йўлга қўйганимиз муваффақиятларимиз омили бўлмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**


● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2012 йил 1 декабрдаги 1-550/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 263-«А» уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 965,40 кв.м., қурилиш ости майдони 62,50 кв.м.дан иборат бўлган 2 хонали уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 151 040 000 сўм.***

